

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.  
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН.(Германия)  
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррир:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

<b>М.Умурзақова</b>	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим .....	167
<b>Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов</b>	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар .....	170
<b>М.Юсупова</b>	
Ўзбек шеърлятида Навоий образи .....	172
<b>Ю.Каримова</b>	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари .....	175
<b>М.Омонова</b>	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни .....	179
<b>Ҳ.Раҳматжонова</b>	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси .....	182
<b>Ш.Каримова</b>	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси .....	184
<b>С.Олимжонов</b>	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида) .....	187
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болалар шеърлий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши .....	191
<b>Н.Умарова</b>	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони .....	194
<b>И.Ҳабибжонов</b>	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари .....	197
<b>А.Зинатуллина</b>	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари .....	200
<b>Н.Сабирова</b>	
Социоллингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари .....	203
<b>Д.Газиёва, М.Қўшматова</b>	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида .....	208
<b>И.Деҳқонов</b>	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси .....	212
<b>Д.Махаметова</b>	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар .....	215
<b>Х.Марипова</b>	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши .....	219
<b>Г.Сайдалиева</b>	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни .....	222
<b>С.Юлдашев</b>	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари .....	226
<b>Ж.Оришев</b>	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари .....	228
<b>Ш.Арипов</b>	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва оналар ҳамкорлиги .....	232
<b>Н.Хошимова</b>	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар .....	236
<b>А.Мухиддинов</b>	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши .....	239
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>	
<b>ИЛМГА БАХШИДА УМР</b> .....	243

УДК: 336.2+(034)+(038)

**ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАН ЎЗЛАШТИРИЛГАН СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНЛАРИ**

**НАЛОГОВО-ТАМОЖЕННЫЕ ТЕРМИНЫ, ЗАЙМСТВОВАННЫЕ ИЗ ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКОГО ЯЗЫКА**

**TAX-CUSTOMS TERMS BORROWED FROM FARSI-TAJIK LANGUAGE**

**Хабибжонов Икромжон Тошпўлат ўғли**

**Хабибжонов Икромжон Тошпўлат ўғли**

– Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари.

**Аннотация**

Мақолада ўзбек солиқ-божхона терминларининг форс-тожик тилидан ўтиш ҳолати, тараққий этиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Шунингдек, соҳа терминологиясининг жамият иқтисодий ҳаётида тутган ўрни борасида фикрлар ҳам бериб ўтилган.

**Аннотация**

В статье кратко обсуждается развитие узбекских налоговых и таможенных терминов, заимствованных из персидско-таджикского языка. Также есть комментарии о роли отраслевой терминологии в экономической жизни общества.

**Annotation**

This article briefly discusses the development of Uzbek tax and customs terms, borrowed from the Persian-Tajik language. There are also comments on the role of terminology in the economic life of society.

**Таянч сўз ва иборалар:** терминология, солиқ, тўлов, божхона, термин.

**Ключевые слова и выражения:** терминология, налог, платеж, таможня, термин.

**Keywords and expressions:** terminology, tax, payment, customs, term.

Солиқ-божхона терминлари сирасида форс-тожикча терминлар ҳам кўп учрайди. Соҳа терминологиясида мазкур тил бирликларининг бўлишини тилшуносларимиз тожик халқи билан азалдан қўшни бўлиб келганлигимиз, деб изоҳлашади, шунинг учун ўзбек ва тожик халқлари ўртасида савдо-сотик алоқалари мунтазам амал қилганлигини таъкидлашади. Ўзбек тилининг турли тарихий даврларида қўлланиб келган солиқ-божхона терминлари соф форс-тожикча ёки форс-тожикча қисмга ўзбекча ёки арабча қисмлар қўшилиб ҳосил бўлганлари ҳам бор. Дастлаб соф форс-тожикча солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва тавсифини бериб ўтамыз:

1) форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари:

**бож** (манба тилда: ўлпон, бож, солиқ; эски ўзбек тилида: савдогарлар, хунармандлар ва бошқалардан олинадиган солиқ) – ҳозирги ўзбек тилида: четдан келтирилган мол учун олинадиган, расмий равишда белгиланган ҳақ маъносида қўлланади. Шу ўринда қуйидаги иқтибосни келтириб ўтиш ўринли: “Бугунги кунда ўзбек тилидаги “бож”, “божхона”, “бож ундириш” каби бож тизими билан боғлиқ атама ва ибораларнинг кўпчилиги “бож” сўзига алоқадор равишда шаклланган. Аслида келиб чиқиши қадимги сўғдий тилда “баж” бўлган

ушбу сўз милодий VIII асрнинг 20-йилларига тааллуқли Муғ тоғи сўғдий ҳужжатларида учрайди. Мисол учун, Сўғд ҳукмдори Деваштич (709-722йиллар) саройида божкиромлик (бож олувчи/солиқ йиғувчи) мансаби мавжуд бўлган”.

**дахяк** (манба тилда: ўндан бир; ғалла ҳосилининг ўндан бирини олишдан иборат хирож, ушр) – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги маълумотга кўра: **1.** Қўқон ва Бухоро хонликларида деҳқонлардан етиштирилган ҳосилнинг ўндан бир қисмининг солиқ ҳақи тариқасида олиниши; ушр. **2.** Бухоро амирлигида вақф ерларидан олинган даромаднинг мадрасаларнинг махсус имтиҳондан ўтган муллаваччаларига бериладиган қисми. **3.** Ўрта Осиёда: ўтмишда ер, улов, уруғлик, овқат ва бошқа ҳамма харажатларни ер эгаси (хўжайинлар)дан олиб, ҳосилнинг ўндан тўққиз ҳиссасини ер эгаси, ўндан бир ҳиссасини ўзи олиш шарти билан деҳқончилик қилиш тартиби (1-жилд. 584-бет).

**нимни** (манба тилда: ним – ярим, яримта) – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан ясалма шаклида архаиклашган, аммо бу терминдаги асос қисм ўзбек тилида

белгининг меъёрдан камлигини кўрсатадиган сўз сифатида фаол қўлланади;

**оянда** (манба тилда: 1) сифати *омадан* феълнинг ҳозирги замон сифатдош шакли; 2) гумашта – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган; бизнингча, эски ўзбек тилида маъноси кучиб, терминга айланган;

**раванда** (манба тилда: 1) *рафтан* ҳозирги замон феълнинг сифатдош шакли. 2) раҳгузар, мусофир; маҷ. қаландар, дарвеш. 3. Нағз роҳ гарданада, тезрав, тундрав (оид ба чорпой саворӣ ва боркаш) – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. Ушбу терминлар ўзбек тили тарихида хонлик ёки амирлик топшириғи билан юборилган элчи ёки бошқа амалдор, чопар ёхуд хабарчилар маълум бир аҳоли ҳудудларида тўхтаганда, ўша ҳудуд аҳолиси бундай мартабали кишиларга хизмат учун одам ёллаши, почта отларини бериши, сўйиш учун кўй, сут учун бия берган. Аҳоли уларга “қора уй” – чодир тиккан, вақтинча бошпана ва керакли жиҳозларни топиб берган. Кўпроқ жаримага ўшаб кетадиган бу олиқ-солиқ ҳақида кўплаб тарихий ҳужжатларда қайд этилган;

**коҳ** (манба тилда: “сомон”, “буғдой пояси”, “пичан” маъноларини англатади, умуман олганда, “отнинг ем ва хашаги” маъносида ишлатилган) – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. Бу сўзнинг солиққа оид термин эканлигини султон Сайиднинг 1513-1514 йилларда сайид Фозил Алига берган ёрлиғидан билиб олишимиз мумкин бўлади. Мазкур солиқнинг мотиви ҳукмдорларнинг ва сипоҳларнинг отлари қарови учун халқдан сомон ва хашак ёки унинг пули йиғиб турилганидир;

**жашн** (манба тилда: “хурсандчилик мажлиси, кўнгилочар ўтириш, зиёфат”) – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. *Жашн* солиқ термини сифатида хон, султон ва феодаллар тез-тез қурадиган зиёфат ва бошқа тантанали ўлтиришларга кетадиган харажат халқдан солиқ сифатида тўплаб олинадиган тўлов маъносини беради. Бу терминнинг мотиви – солиқ суммасининг шароитдан келиб чиқиб ҳар хил бўлгани учун унинг қанча миқдордалиги маълум белгилаб қўйилмаган;

**сади ду (се, чор)** (манба тилда: сад – миқдор, бисёр, жуда кўп) – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. Мазкур солиқ-божхона терминларининг асосини *сад* сўзи ташкил қилади. Бундан *сади ду* – “икки миқдор”, *сади се* – “уч миқдор”, *сади чор* – “тўрт миқдор” маъноларини ифодалаши маълум бўлади. Мазкур солиқ-божхона

терминлари чорва молларидан олинадиган хирожнинг миқдорини ифодаловчи термин бўлиши керак. У кўп ҳужжатларда эслатиб ўтилган.

**боқимонда** (манба тилда: боқи(й) + ф.қолган, аввалдан қолган; эски ўзбек тилида: қолдиқ қарз, ундирилмаган, тўланмай қолган солиқ ва ш.к.) – ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан эски ўзбек тилидаги маънода жуда кам қўлланади: *Валихон бориб, Ғузур беклигидаги солиқларни, ҳатто боқимондаларигача ундирди*. Ш. Тошматов, Эрк қуши. *Ҳар гал эски йилнинг боқи мондаси янги йилга ўтавериб, жонга теғди*. «Муштум». *Икки киши ўтган йили боқимонда қарзи учун банди қилиниб, зиндонга олиб кетилди*. С.Кароматов, Бир томчи қон (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-жилд.) Ҳозирги ўзбек адабий тилида “эски, аввалдан йиғилиб қолган”, “ўзи ишламай, бировнинг қўлига қараб қолган” маъноларида ишлатилади.

Бизнингча, солиқ-божхона терминологиясида форс-тожикча терминларнинг кўплигининг сабабларидан яна бири Бухоро ва Қўқон хонлигида тарихнинг муайян даврларида иш юритишнинг тожик тилида олиб борилганлиги билан боғлиқ. Форс-тожик ўзлашмалари хонлиқлар ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам кўп бўлганлиги бу фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбек тилидаги солиқ-божхона терминлари ичида гибрид терминлар ҳам мавжуд. Масалан, булар тарихан қўшма сўз ва бирикма характерида бўлиб, форс-тожикча сўзга ўзбекча сўз қўшиб ёки аксинча ясалган. Қуйида уларнинг маъноларига, қўлланилиш манбаларига тўхталамиз:

**хоначини/хона жойи/хона пули/уй пули** – уйда мавжуд хоналар сонига қараб олинадиган солиқ; ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. Мазкур терминлар оила бошига тўпланадиган солиқ бўлиб, у қорахитойлар даврида учрайди. Кейинги даврларда мўғуллар аҳолидан шундай солиқ тўплаганлар. Бу солиқ ҳатто XIX асрда Ўрта Осиё хонлиқларида, хусусан, Қўқон хонлигида мавжуд бўлган. Бу солиқни Тошкентда хона жойларининг гоҳ кўпайиб, гоҳ озайиб турган бир замонда битилган эски бир ҳисоб дафтари асосида олардилар. Хона бошидан бир тилло, яъни бир олтин миқдорида тўпланар эди. В.В.Бартольд ҳам *хоначини*, *хона пули*, *уйина*, *уй пули* хона бошидан олинадиган солиқ эканини айтади.

**қўриқбоний** умумтуркий *қўриқ* ва форс-тожикча *бон* сўзига *-ий* аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинган бўлиб, ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган.

Қўриқбон шахс оти бўлиб, Қўқон хонлиги ҳудудида хон ва унинг яқинлари турадиган жойларни ва давлатга қарашли ўтлоқ, овлоқ қамишзор ва пичанзорларни қўриқлаб, улардан фойдаланувчилардан ҳақ олувчи киши. Қўрўқбоний термини шундай кишиларга тўланадиган маош учун аҳолидан тўпланадиган солиқни ифодалайди. Мазкур термин XVI – XVII асрларга доир ҳужжатларда учрайди.

**Жонқари** термини форс-тожикча *жон* сўзига ўзбекча *қари* сўзини қўшиб ҳосил қилинган, ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. Ушбу солиқ-божхона терминининг маъносини аниқлаб бўлмади. Бундай термин тарихий, бадиий адабиётларда ва бошқа ҳужжатларда учрамади. У фақат Муҳаммад Дарвиш султон томонидан ҳижрий 960 (1552-53) йилда саййид Гўё Муҳаммадхўжага берилган фармонлардагина мавжуд. Фикримизча, *жонқари* жон бошидан, оилада нечажон борлигига қараб олинадиган “сари шумор” солиғининг ўзбекча истилоҳи бўлса керак.

**Харбуза пули** бирикма термини тожикча *харбуза* (қовун) ва *пули* сўзлари бирикишидан ҳосил бўлган, бу термин ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган. Ушбу термин таркибидаги *пул* сўзи тожикча бўлса ҳам термин таркибида пули шаклида келиб, харбуза пули термини ясаган, демак, бу сўз ўзбекча ҳисобланади. Қўқон хони Худоёрхоннинг ҳижрий 1285 (1868-69) йилда берган бир фармонида *хирож*, *танобона* солиқлари билан бирга *харбуза пули* шаклида келтирилган. Харбуза пули солиғи боғча, полиз ва бедазор ерлардан олинадиган танобона солиғининг бир қисми бўлиб, фақат полиз маҳсулотлари экилган ерлардан олинадиган

солиқни англатади. Қўқон хонлиги давлат архивидаги айрим ҳужжатларда кўрсатилишича, ҳар бир таноб полиз еридан Қўқон тангаси билан беш танга *харбуза пули* олинган.

Худди шу қолипдаги термин сифатида *тутун пули* терминини кўрсатишимиз мумкин. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги маълумотга кўра, *тутун пули* термини ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан *тарихий* термин ҳисобланади ҳамда тарихда “хонадон эгасидан яшаб турган жойи учун олинадиган солиқ” (4-жилд, 211-бет) маъносини ифодалаган.

Эски туркий ва эски ўзбек тилларида айрим мўғулча солиқ-божхона терминлари ҳам бўлган. Шундай терминлардан бири *ясоқ* бўлиб, Наврўз Аҳмадхоннинг бир ёрлиғида “қора ясоқ”, бошқа ҳужжатларда эса “ясоқ”, деб ёзилган. *Ясоқ* терминининг мўғул тилидаги луғавий маъноси – “низом, қонун-қоида”, “усул”, “танбеҳ”дир. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида *ясоқ* асосий солиқлардан бири бўлиб, давлат хазинасига тушадиган даромаднинг айрим қисмини ташкил қилган. Кўчманчи ёки ярим кўчманчи аҳолидан “қубчур ясоғи”, яъни ҳар 100 ҳайвондан бири солиқ қилиб олинган. Қубчур ясоғи кейинчалик ўтроқ аҳолидан ҳам йиғилгани – ҳар бир бош ҳайвондан 70 танга миқдорида олингани маълум.

**Дархон/тархон** (манба тилда: темирчи; озод киши; эски ўзбек тилида: солиқдан ва ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилинган; имтиёзли, дахлсиз (қабилла, уруғ, зот ёки мансабдор). *Мен Гўрўғли, элда беклигим дархон*. “Интизор”. *Энди сенга тимсол айтай бир алвон, Мен кетганча, ўзинг Чамбилда дархон*. “Маликаи айёр”) – ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан архаиклашган.

#### Адабиётлар:

1. Ҳамраев М. Ўзбек тилидан маърузалар мажмуаси. – Т., 2012.
2. Аҳмедов О. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. д-ри. дисс. – Т., 2016.
3. Қодиров Ж., Гаипназаров Р. Ўзбекистон Республикасида божхона иши тарихи // Ўзбекистон божхона ахборотномаси, 2019. 1-сон.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II томли. I том. – М.: Рус тили, 1981.
5. Жувонмардиев А. XVI – XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т.: Фан, 1965.

(Тақризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор).